Ҳисобга 230 минг доллар қўшилди

«Нафосат» акциядорлик жамияти Наманганда фаолият кўрсатади. У сут маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Яқинда жамият ҳисобига 230 минг доллар келиб тушди. Сабаб: акцияларнинг бир қисми хорижий сармоядор — Швейцариянинг «Нестле» фирмасига сотилган эди.

Энди корхона бу маблағдан ишни янада ривожлантириш учун фойдаланишни мўлжалламоқда.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик давом этади.

Умида МАНСУРОВА

Шоликор «Тико»ли бўлди

Қорақалпоғистонда илғорларни рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Жумладан, Нукус туманидаги «Шўртанбой» хўжалигининг 1-агроучасткаси бошқарувчиси А. Жуманазаровга «Тико» автомашинасининг калити топширилди. У сентябрь ойи якунига кўра шолини ўриб-янчиб олиш бўйича ғолиб деб топилгани учун бу ютуққа эришди. Дарвоқе, ушбу агроучасткада ҳар гектар ердан ўртача 50 центнердан ҳосил кўтарилди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА

Қадоқланган нон маҳсулотлари

Бозор шароитининг шарти оғир — сифат биринчи ўринда туради. Шунинг учун «Навоийдонмаҳсулот» ҳиссадорлик уюшмасининг нон заводи ҳозирги кунда ўз маҳсулотларини полиэтилен халтачаларига қадоқланган ҳолда истеъмолчига жўнатаётир. Бу билан маҳсулот кўркамлиги ошди.

Заводга Исроилнинг «Паклаин-ЛТД» фирмаси билан ҳамкорликда фирманинг технологик линияси ўрнатилгач, шундай натижага эришилди. Линия ёрдамида 50 турдан ортиқ нон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Маъсуда ЁҚУБОВА

Ақшдан мактуб келди

Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейига АҚШдаги машҳур Гарвард университетидан "Жаҳон музейлари ҳақида маълумотнома" тўпламига киритиш учун музей фаолияти ва экспонатлари тўғрисида маълумотлар юбориш сўралган хат келди. Ҳозирги вақтда музейда археология, этнография, халқ амалий санъати, табиатга оид 72 минг нодир экспонат, 16 минг нусхада қўлёзма ва босма адабиётлар сақланмоқда.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири

Бу дунёнинг ишлари

Президиум сайланди

Россия Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида ҳукумат президиумининг янги таркиби тасдиқланди. Унга табиийки, Бош вазир Примаков, унинг барча ўринбосарлари аъзо бўлиб кирди. Шунингдек, ташқи ишлар вазири Иванов, мудофаа вазири Сергеев, ички ишлар вазири Степашин, молия вазири Задорнов, иқтисодиёт вазири Шаповальянц ва давлат мулки вазири Ғазизуллин аъзо бўлишди. Марказий банк раҳбари Герашенко Россия Фанлар академиясининг президенти Осипов ҳамда 8 губернатор — минтақаларо ташкилотларнинг раҳбарлари тенг ҳуқуқли аъзо сифатида президиум ишида қатнашадилар. Куни кеча президиум иқтисодий инқироздан чиқиш йўлидаги биринчи навбатдаги вазифаларни ҳамда шу йилнинг тўртинчи чораги бюджетини муҳокама этишди.

Ҳукумат тарқатиб юборилди

Президент Аслан Масхадов Чеченистон Республикаси ҳукуматини истеъфога чиқариб юборди. Бу ҳақда Чеченистон Президентининг матбуот хизмати хабар қилди. Хабарда айтилишича, Вазирлар Маҳкамасининг эски аъзоларидан 90 фоизи янгиланади.

Ҳамкорлик қилинаётганлигини тан олди

Ироқ қуроллари бўйича БМТ инспекциясининг раҳбари Ричард Батлер унинг қўл остидагилар Бағдоднинг ҳарбий дастурига тааллуқли ахборотларни Исроил билан ўзаро алмаштириб олаётганлигини тан олди. Нью-Йоркда ўтказилган матбуот анжуманида Батлер Исроил инспекторлар ҳамкорлик қилаётган 50 мамлакат сирасига киради, деди. Бироқ, ушбу ҳамкорликнинг икир-чикирларини айтгани йўқ. Мухбирларнинг фикрича БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Бағдодни БМТ билан ҳамкорлик қилишни давом эттиришга кўндирганлиги ҳақидаги гаплари Батлернинг айтишига кўра, Ироқнинг ушбу инспекцияга нисбатан муносабатини ўзгартиради. Эслатиб ўтамизки, Бағдод инспекторларни Америка ва Исроил ғояларини ташувчи сифатида танқид қилган эди. Бундан ташқари Батлер ўзининг собиқ ҳамкасбларидан бири Скотт Риттернинг Ироқ ядро қуролларини яратиш воситаларига эга, деган гапларини ҳам рад этди. У тасдиқладики, Риттерга бундай ахборотларни тарқатмаслик зарурлигини таъкидлаб, айниқса Ироқнинг ядровий имкониятлари борлиги ҳақида фикр айтиш хато эканлигини эслатиб ўтди.

Европол иш бошлади

Кеча Европа иттифоқи аъзоси бўлмиш 15 мамлакат ҳудудида Европа полицияси — Европол ўз ишини бошлади. Таркибига 150 ходим аъзо бўлиб келган янги бўлинманинг вазифасига терроризмга қарши кураш, наркотик ва радиоактив моддалар билан ноқонуний савдо қилиш, ноқонуний пул ундириб олиш ва яширин имеграцияга қарши кураш киради. Европа полициясининг бюджети Гаагадаги штаб хонаси билан қўшиб ҳисоблаганда 8 миллион долларни ташкил этади. Европол ташкил этиш ҳақида 1994 йилда қарор қабул қилинган эди, лекин у яқингинада ратификация қилинди.

Иқтисодиёт кўтарилмоқда

Халқаро валюта жамғармасининг маърузасида айтилишича, Хитой иқтисодиётининг ўсиши бу йил 5,5 фоизни ташкил этади. Шу йилнинг апрель ойида жамғарма Хитой иқтисодиёти бу йил етти фоизга ўсади, деб тахмин қилган эди. Бу Хитой иқтисодиётини ривожлантириш бўйича давлат режасида кўзда тутилганидан бир фоиз камроқдир.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 3 октябрь, шанба • № 118 (23.355).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президент ҳузурида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 октябрь куни АҚШ қуролли кучлари марказий қўмондонлиги Бош қўмондони Энтони Зинни раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов АҚШ маъмуриятининг Ўзбекистон билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият бераётганидан мамнуният изҳор этди.

Америкалик меҳмон самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Мулоқот чоғида икки давлат ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида ташқи ишлар вазири А. Комилов, мудофаа вазири Ҳ. Турсунов иштирок этди.

Қабулда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. Пресел ҳозир бўлди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Вилоятда биринчи

Юртбошимизнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш борасида фаол кураш давом этмоқда. Хусусан, дон ва пахта ҳосилдорлигини янада ошириш, меҳнат аҳлининг манфаатдорлигини юксалтиришга катта эътибор бериляпти. Шунинг учун ҳам Ғузор, Яккабоғ, Шаҳрисабз, Чироқчи туманларида терим жадал олиб борилмоқда. Қамаши тумани пахтакорлари 12 минг тоннадан ошиқ уруғлик пахта топшириб, режани адо этдилар. Хусусий «Блу-найл» агрофирмаси режадан ошириб пахта сотяпти. «Наврўз» хўжалигида ҳар куни 3,5 фоиз пахта тайёрланмоқда. «Ғиштли», «Тўқбой», «Чим» ва Охунбобоев номли хўжаликларда ҳосилдорликни кескин ошириш учун терим суръати қизғин тус олмоқда.

Айни кунда вилоятда хушхабар тарқалди; бирданига икки хўжалик маррага етиб келди. Касби туманидаги М. Улуғбек номли хўжаликда 180 гектар ердан 450 тонна ҳосил йиғиб олинди. Яна шунча пахта топшириш, ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш мўлжалланмоқда. Санацияга тушган хўжаликлар орасида Чироқчи туманидаги «Ҳайитқул» хўжалиги деҳқонлари 350 гектар майдондан 880 тонна пахта сотиб, режани биринчилар қатори адо этишди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Пахта — 98»

Беш кунда 11,5 минг сўм пул ишлади

Андижон. Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигининг оилавий пудратчиси Саидахон Ҳамдамова беш кунда терган пахтаси учун 11532 сўм, унинг мусобақадоши Гулсарахон Исломова 9105 сўм пул олди. Мадинахон Қўчқорова шу муддатда 7044 сўм, Рохилахон Султонова эса 6000 сўм ишлади.

Оилавий пудратчиларнинг самарали меҳнати билан Асалхон Расулова бошлиқ бригада йиллик режани барвақт бажариб, мажбурият ҳисобига пахта топширяпти. Жамоа хўжалиги илғорларининг пешқадами сифатида пахта топшириш бўйича туманда карвонбошилик қилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Кошоналарни безаган устунлар

Йўлбарс ҳожи Муҳаммад ўғли асли Избосканнинг Қуғай қишлоғидан. Шу кунларда Йўлбарс ҳожи қўлидан чиққан нафис устунлар Избоскан, Олтиариқ чойхоналарини, Қорасув ва Ўшдаги Мирзо Бобур оромгоҳини, Андижон вилоят ҳокимлигининг мажлислар залини, Бобур музейини, аэропорт меҳмонхонасини безаб турибди. Устунлар ҳатто Америка ва Саудия Арабистонига ҳам олиб кетилган. От изини той босади деганларидек, ҳозир Избосканда Йўлбарс ҳожи номи билан аталувчи ўймакорлик мактабида 30 нафарга яқин талаба нафис санъатни ўрганмоқда.

Ўткир ПЎЛАТ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ДОИМИЙ МУХЛИСИМИСИЗ?

«Обуна-99»



Газетамизнинг доимий мухлисимисиз?

—«Ўзбекистон овози» , «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмидингиз?

—Жамоангизда неча киши меҳнат қилади? Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?

Қобилжон Тошматов,
Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта банки» бошқаруви раиси.

—Очиғи, ҳар кунги ишимни газеталар билан танишишдан бошлайман. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарини мунтазам кузатиб бораман. Бирор йил йўққи бу газетага обуна бўлмаган бўлсам. Қолаверса, банк ходимларининг ҳар бири газетани севиб ўқишади. Чунки, зарур ахборотларни, янгиликларни шу газеталардан оламиз.

—Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат банкимиз мамлакатимиздаги энг йирик банклардан бири ҳисобланади. Туман ва шаҳарларда 182 та бўлимларимиз фаолият кўрсатмоқда. Фаолиятимиз қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачилик билан узвий боғлиқ. Пахтани экишдан тортиб ҳосилини йиғиштириб олишгача, ундан тола ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи молиявий таъминлаш бизнинг вазифамиз. Газета пахтачиликка оид ҳукумат қарорларию уларнинг шарҳларини, таклиф ва танқидий материалларни кенг ёритиб боради. Бу эса ишимизга очиқроқ кўз билан қарашга даъват этади. Келгуси йилда ҳам обуна бўлиш ниятимиз бор. Жойлардаги ҳар бир бўлимимизни «Ўзбекистон овози» газетаси билан таъминлашни кўзда тутганмиз.

Нашр индекслари:

«Ўзбекистон овози»
якка обуначилар учун — 220
ташкилотлар учун — 221
«Голос Узбекистана»
якка обуначилар учун — 121
ташкилотлар учун — 122
«Осиё бозори»
якка обуначилар учун — 174
ташкилотлар учун — 175

«Обуна-99»

Муаммо, таклиф, мулоҳаза

Ўзини ўзи асраганни Оллоҳ ҳам асрайди

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон хорижий давлатлар билан иқтисодий, фан, техника, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда кенг алоқа олиб бормоқда. Хориждан қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, дончилик учун янги техникалар, етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар келтирилиб, деҳқонларимизнинг иш унумдорлигини оширишга ёрдам бермоқда.

Аммо айрим хорижий фирмалар билан алоқадор ташкилотлар, расмий хизмат сафарида бўлаётган кишилар, ҳатто туристлар ўзлари билан ҳар хил экинлар — пахта, дон, сабзавот, доривор, манзарали ўсимликларнинг уруғлари, кўчати, мевасини ўша давлатнинг махсус тақиқлоти рухсатномасисиз, яъни сертификатсиз олиб келувчилар ҳам учрамоқдаки баъзида бу ҳар хил касаллик ва бегона ўтлар уруғларининг мамлакатимизга келиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Карантин сўзи тиббиётда, чорвачиликда, шу жумладан ўсимликлар соҳасида кўп ишлатилади. У ташқи ва ички карантиндан ташкил топган. Ўсимликлар карантини бошқа соҳалар каби жуда муҳим давлат аҳамиятига эга. Бошқача таъриф-лаганда, хорижий давлатлардан ўтиши мумкин бўлган қишлоқ хўжалик экинларини хавфли-карантинли организмлардан қўриқловчи воситадир.

Ташқи карантин чет мамлакатларда учрайдиган, лекин республикамиз ҳудудида учрамайдиган, ўтиб қолса қишлоқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган хавфли зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан муҳофаза қилади.

Ички карантин республикамизнинг айрим туманларида тарқалган карантинли зараркунанда, касаллик ва зарарли бегона ўтларни, қўшни минтақаларга ўтиб кетмаслиги учун, уларни ўз жойида йўқотиш чораларини кўради.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва улардан фойдаланишда, ўсимликлар карантинига оид қоидалар ва тадбирларга риоя этилиши ҳамда уларни амалга оширилиши давлат назоратида бўлади. Бу вазифаларни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Республика ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси ва унинг вилоят, туман, шаҳарлардаги инспекциялари ҳамда аэропорт, темир йўл, автовокзаллар, қўшни давлатлар ўртасидаги чегара пунктларида мутахассислар назорат қиладилар. Ўзбекистон ҳукумати бу соҳа хизматига катта аҳамият бермоқда, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқда. Республика Олий Мажлисида «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу соҳада хизмат қилаётган мутахассисларнинг масъулиятини янада оширди. Республикада юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирлар амалга оширилаётган бир вақтда, айрим шахсларнинг айби билан ўсимликлар карантини қонунига хилоф воқеалар рўй бермоқда.

Яқинда Греция давлатидан илмий ишлар учун уруғлик чигит ҳеч қандай рухсатномасиз — сертификатсиз посилка тариқасида «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси номига юборилган. Уруғлик чигитни Республика ўсимликлар карантини бош инспекцияси мутахассислари лаборатория экспертизасидан ўтказиши вақтида ундан пахтачилик учун ўта хавфли пушти рангли гўза қуясининг қурти топилди. Бу уруғлар ёқиб ташланди.

Республика қишлоқ хўжалиги тарихида бундай ачинарли воқеалар кўп учраган. Уларнинг зарари ҳозирги кунда ҳам мавжуд. Масалан, комстон қурти, 1939 йилда тут кўчати билан Японияндан Тошкент шаҳрига келган. Бу қурт ҳозирги кунда республиканинг барча туманларига тарқалган бўлиб, 231 турдаги ўсимликларни, айниқса тут ва мевали дарахтларни зарарламоқда. Зарарланган тутнинг барглидаги оқсил моддаси 34 фоиз, барг ҳосили эса 40 фоизгача камайиши кузатилган.

Зараркунандаларнинг яна бир тури —Калифорния қалқондори — 1964 йили биринчи марта Тошкент вилоятида аниқланди. Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятидан ташқари, барча вилоятларда мевали боғларга зарар етказмоқда. У 264 турдаги ўсимликни зарарлайди. Унга қарши асосий кураш чораси — хўжаликларда соғлом кўчат етказиш, кўчатларни фақат фунигациядан кейин харидорларга тарқатишдир.

Ўзбекистон ҳудудига турли йилларда турли сабаблар билан келиб қолган карантин қилинган зараркунандалардан қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилини сақлаб қолиш учун жуда катта маблағ сарфланмоқда. Қолаверса, ишчи кучи, кўп миқдорда кимёвий препаратларнинг ишлатилиши атроф-муҳитни ифлослаш билан бирга, кишиларнинг заҳарланишига сабаб бўлмоқда. Шунга қарамасдан бу зарарли ҳашарот ва бегона ўтларни бутунлай йўқотиб бўлмайди. Чунки улар ўзга иқлим шароитига жуда тез мослашиб кетадилар. Республика учун 36 турдаги карантинланган бегона ўтлар атрофдаги қўшни давлатларда мавжуд бўлиб улардан қишлоқ хўжалик экинлари учун энг хавфлилари; шувоқ баргли, уч бўлакли ва кўп йиллик амбразия, пушти какра, темиртикан ценхруси, тиканли зайтун ва бошқалар. Шарқий — Жанубий Осиё, Африка давлатларидан Ҳиндистон, Покистон, баъзида Миср Араб республикасидан ғалласимон, маккажўхори ва шолининг ўта хавфли паразит бегона ўт — стригани келиб қолиши хавфи кутилмоқда.

Бундан ташқари озуқабоп экинларни ифлослантириб чорва моллари, учун ярамайдиган ҳолатга келтирадиган, чорва молларининг ичак системасига зарар етказадиган хавфли — эмекс бегона ўти Исроилдан, Туркиядан, Миср Араб Республикасидан, Арабистондан, Украинанинг жанубий туманларидан ўтиши мумкин.

Бугунги кунда халқаро рўйхатга 188 та ўта хавфли карантинли организмлар киритилган бўлиб, МДҲ давлатларида шундан 33 таси, Ўзбекистонда эса улардан фақат 11 таси тарқалган. Бу карантинланган ўта хавфли зараркунанда ва зарарли бегона ўтларнинг кўпайиши, тарқалиши маъмурий чегараларни ҳисобга олмайдиган биологик қонуният асосида ривожланаётганлиги учун, республикамиз ҳудудига кириб келиб, иқтисодиётимизга катта зарар етказиш эҳтимоли мавжуд.

Республикамиз мустақил бўлишига қадар чет давлатларга чиқариладиган ёки келтириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари марказлашган ҳолатда Москва орқали амалга оширилар эди. Энди вазият бутунлай ўзгарди, Республикамиз ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олмоқда. Республикада етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунингдек, хориждан ҳам республикамиз ҳудудига кўпроқ маҳсулотлар келтирилмоқда.

Бу вазиятда хорижга чиқариладиган маҳсулотларга карантин қоидалари асосида керакли рухсатнома ёки сертификатни расмийлаштириш зарур бўлади. Шунга ўхшаш чет элдан келтириладиган маҳсулотлар учун ҳам ўша давлатнинг сертификатини расмийлаштириб сўнгра зарарсизланган соғлом маҳсулотни республикага келтириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Мустақил республикамизнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этадиган ҳар бир қарич ерини, тупроғини, бой ўсимликлар дунёсини хорижий давлатлардан ўтиши мумкин бўлган хавфли зараркунанда, касаллик ва зарарли бегона ўтлардан кўз қорачиғидек сақлаш барча фуқароларнинг бурчидир. Биз ўзимиз ўзимизни асрамасак, четдан келиб биров ёрдам бермайди.

М. ЖУМАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон ўсимликлар карантини Давлат бош инспекцияси бошлиғи,
С. АЛИМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Энтомологлар жамияти ҳайъат раиси, академик

5. Она халқим — жон-таним маним...

— Абдулла ака, дунёда ҳар қандай инсон учун азиз бўлган ва бир-бирига жондош-қондош — она-Ватан, она тарих, она халқ деган муборак тушунчалар бор. Ва бу сизнинг шеъриятингизда ҳам қуёшдай балқиб турган мавзулардир.

Менинг она халқим,
Эй, қадим, ҳалол...
ёҳуд:
Халқим, мозий ўтди,
толе кўрмадинг,
Пиширдинг ўзингга
бенасиб таом.
Кийгаздинг бировга,
ўзинг киймадинг,
Юлдузни кашф этиб,
ном олдинг: авом...

Бундай дардчил ёҳуд меҳр силқиб турган фарахли байтларни истаганча ёд этиш мумкин. Сиз оғир пайтларда халққа суянасиз, меҳрингиз товланган дамларда эса муҳаббатингизни шеърга соласиз, ситамлар юракдан ўтганда: «Машраб осилганда қаёқда эдинг?» — деб маломат қиласиз, аммо ҳамиша таянч тоғингиз — шу халқ.

Жанггоҳларда жон берган
боболарни унутманг,
Машоқ териб нон берган
момоларни унутманг,
Эътиқод, имон берган
дуоларни унутманг,
Фақатгина халқ яшар,
фақатгина қолур халқ.

Жадидлар ҳам шу халқнинг фарзандлари эди, уларнинг миллат учун фидойилиги тилдан тилга ўтиб ҳамон яшаб келади. Юртбошимиз шунга муқояса қилиб, уларнинг набиралари — ҳозирги ёшлар бир мунча сустқадам эканлиги ҳақида куюниб айтдилар.

Шаҳрисабз ёшлари билан суҳбат пайти сиз уларни диққат билан тинглаб, синчидай кузатиб ўтирганингизнинг, кўзингизда меҳр жилва қилганлигининг шоҳиди бўлдим. Ўша лаҳзаларда ёшлар сиймосида халқимизнинг келажаги кўриниш бердими сизга? Бир замонлар: «Дейман: — қани, ёнса авлод қонида Ўша — оталарнинг буюк шиддати...» дея армон қилгансиз, шундан буён ҳам ўттиз беш йилча вақт ўтди. Хўш, нима ўзгариш сезилаётир, ҳозирги ёшлар ўтмишдошларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

— Сиз халқ ҳақида гапирдингиз, халқимизни, агар, бир карвонга муқояса қилар бўлсак, салобатли бу карвоннинг йўлга чиққанига кўп минг йиллар бўлган. Унинг илк сарбони қай бир зот эканлигини ҳеч ким билмайди ҳозир. Бу муҳташам силсиланинг асл номи нима эди — бу ҳам абадий сир бўлиб қолди. Аммо бу карвоннинг қандай йўлларни босиб ўтганлиги истеҳзоли ва лекин ҳақиқатгўй тарих саҳифалари орқали бизга маълумдир. Ана шу тарих гувоҳлиқ берган айрим мўътабар шахслар довруғи бутун оламга таралган.

Бу халқнинг Тўмарис, Широқ, Маҳмуд Таробий, Шайх Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик сингари арслондай қайтмас фарзандлари: «Ё Ватан, ё шарафли ўлим!» — деб, шу юрт озодлиги учун жонини тиккан, халқимиз табиатидаги ёвқурлик, ватанпарварлик, эрксеварлик каби хислатларни дунёга намойиш этган.

Дунёдаги барча даҳолардан баланд Амир Темур ярим дунёни қўл остида бирлаштириб, миллатни ва адолатни улуғлаб, «золимларнинг иликларини мазлумлардан қисқа қилибдурмен», деб ўтган. Ҳазратнинг лабидаги ногаҳоний бир табассумни кўрмак илинжида не-не халқлар унга мунтазир термулган.

Инсоният закосининг мислсиз даҳолари Имом ал-Бухорий, Мусо ал-Хоразмий, Мир Алишер Навоий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Яссавий, Ибн Сино... бу карвоннинг моҳиятини, тарихий миссиясини, феълу атворини белгилаб берган.

Халқ ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг бетимсол даҳо чироғини ёқа олади. Ҳануз маънавият уфқларини тонг юлдузи янглиғ нурлантириб турган тенгсиз сиймолар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбек деган ном қаёқдан, қачон келиб чиққан, буни мен яхши билмайман, аммо шу аниқки, бу халқ ғоятда буюк заковати, тенгсиз матонати,

(Боши ўтган сонларда)



Мен нечун севаман ЎЗБЕКИСТОННИ?!

Она юрт ва унинг кечмиши ҳақида Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов билан Ғаффор Ҳотамов суҳбати

юртпарварлиги ва яратувчилик салоҳияти билан бирга ажабланарли даражадаги тарқоқлиги билан ҳам тарихда ном қозонган. Ўзлигини унутган — бир тилда гаплашиб, бир халқ бўла туриб, учта хонликка бўлиниб кетган ва эртаю кеч бир-бирининг бошини «еган» ҳам аслида ўзимиз бўламиз. Мана шу тарқоқлик — мудҳиш миллий фожиа — боис, халқнинг раҳбару раҳнамолари оёғи остидан нарини кўра олмаслиги боис, ўз вақтида чор Россияси бу юртни ишғол этди ва бир ярим аср ҳукмронлик қилди; шу давр ичида улар эртаю кеч олиб борган изчил сиёсат мазлум халқни манқуртга айлантиришдан иборат эди. Бу сиёсат бизнинг ўтмишимизни оёқости қилди, ўзимизни эса текинтомоққа чиқарди, «сенинг қўлингдан фақат кетмон чопиш, пахта экиш келади, биз берсак ейсан, — урсак— ўласан!» дея муттасил уқтириш билан шуғулланди. «Ўтмишда қолоқ, авом бўлгансан, дунёнинг ишларига зиғирча ҳам ақлинг етмайди, сен учун давлат, мана, биз ўйлаймиз, сен ўзинг, келажагинг ҳақида бош қотириб ўтирма! Вазифа бersам, ишлайсан, бўлмаса — йўқ!» Бу манфур сиёсат моҳияти мана шундан иборат эди.

Энди, бу машъум тарбия асорати бир кунда йўқолиб кетмайди-да, ахир! Ҳалиям, ўтган етти йил ичида — бизнинг мустақиллик давримизда — биласизми, етти юз йилга арзийдиган маҳобатли ишлар қилинди. Одамларнинг, наинки ёшлар, ҳатто ўзини билган, инсофини еб қўймаган қарияларнинг ҳам кўзи очилди. «Э-э, юрган эканмиз-да лайлак ҳайдаб, бизнинг шундай кўркам юртимиз, бир дунё тарихимиз бор экан, эшитардик элас-элас, мана, энди шуни кўриб турибмиз!» — деяётганлар қанча. Шу маънода биз — адабиётчиларнинг, сиёсатчиларнинг, маънавият аҳлининг бугунги вазифаси — она тилимиз бетакрор гўзаллигини, халқимизнинг ҳақиқатдан ҳам буюклигини, тарихимизнинг бебаҳо, тенгсиз эканлигини, Ватан меҳрини фарзандларимизга уқтириш, сингдириш ва яна уқтиришдир. Токи улар дунёдаги ҳар қандай мамлакат ёшларига рўбарў келганда: «Ҳой, шошмай тур, сен менинг олдимда кўп гердаяверма, улуғ бўлсанг, ўзингга улуғсан, аммо мен сендан баланд бўлсам, баландманки, асло паст эмасман!» — деб айта оладиган миллий ғурурга эга бўлсинлар.

Шаҳрисабздаги укаларимиз билан суҳбат шуни кўрсатдики, улар фикрчан, мулоҳазали, соҳибжуръат, балоғат шаҳодатномасига эга. Ёшларимизда илм ҳам бор, ғурур ҳам бор, жасорат ҳам бор...

Дунёдаги энг улуғ савоб, энг улуғ мартаба, энг улуғ шараф — ўзинг билан ёнма-ён келаётган фарзандинг қатори чавандозларнинг шижоатини кўриб қувониш, уларнинг юрагидаги ёлқиндан баҳра олишдир. Шу маънода, айтиш керакки, ҳозирги ёшлар яқин ўтмишдаги комсомол акаларидан тамомила фарқ қилади. Хўш, ўша ленинчи комсомол ёшлар нима дер эди: «КПСС XX съезди тарихий қарорларини амалга оширамиз!», «Жўҳоридан рекорд ҳосил олиш учун курашамиз!», «Чўчқачиликнинг истиқболи порлоқ бўлади!» Ўйлаб кўрсангиз, ўз аҚлидан чиқариб маънили бир гапни айтмас эди улар. Хўш, ҳозирги ёшлар-чи? Ўзларининг мустақил фикрига эга. Ватан келажаги учун ўзларича қайғураётир. Президентимиз қуйиниб айтган гапларни ўзларича таҳлил қилаётир. Дунёда содир бўлаётган ўзгаришларга ўзларича муносабат билдираётир.

Юрагида ўша шиддат бор буларнинг!

Ажаб эмаски, биз ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида тамомила янги бир уйғониш даврига гувоҳ бўлиб турган бўлсак!

Дунёда кўзи тирик инсон борки, нимаики иш қилса, аввало ўзи ва замонаси учун қилади. Ва, албатта, унинг хаёлида келажак туради. Биз мозий ҳақида куюб-пишиб гапирганимизда ҳам, ниманидир рад этиб, ниманидир маъқуллаганимизда ҳам, ҳеч шубҳасиз, келажак авлодни назарда тутамиз. Баъзи армонларимиз бўлса, уни ҳам келажакка ҳавола этамиз, «Биз кўрмаганни болаларимиз кўрсин!» — деймиз.

Шу маънода ҳозирги ёшлар тақдири учун куюниш аслида бу келажак учун куюнишдир.

Президентимиз қанотида бизнинг ёш, ўтюрак авлодимиз кенг, доғғил йўлларга чиқиб, ғоят нурли манзилларни кўзлаб бораётир, фарзандларимиз қонида улуғ салафларимизнинг руҳи жўш уриб турибди, улар она халқимиз, Ватанимиз обрўсини сарҳадлар оша узоқ-узоқларга элтишига шубҳа қилмайман. Ва, албатта, уларга азиз боболарнинг, Ватанни озод ва обод, шу халқни якдил ва ҳамнафас кўришга интилган мўътабар зотларнинг нияти доимо ёр бўлсин! Аммо, унутмасинларки, ҳаёт инсонга хос хислатлар ичида фидойиликни алоҳида қадрлайди. Фидойиликнинг замирида эса собит ҳаракат, қатъият, матонат, савобталаблик, миллат ва унинг келажаги учун, керак бўлса, жонидан кеча олиш хислати ётади.

Каттакон йўлга чиқдинг,
йўлдошинг бўлай, халқим,
Фарзандингман, қўллайсан,
қўлдошинг бўлай, халқим,
Ҳасратинг кўп дилингда,
дилдошинг бўлай, халқим,
Фақатгина халқ яшар,
фақатгина қолур халқ.

6. Ҳар бир авлод жавоб ахтарадиган савол...

Она халқ, Ватан ва унинг тарихи...

Ҳаёт бор экан, улар яшайди. Ва ҳар бир авлод унга ўз муносабатини билдиради.

Муҳаббат ул эски нарсадир, аммо ҳар бир кўнгилни ёшартиради, дейди шоир. Кўнгилда муҳаббат тўфондек жўш урган дамларда ҳар бир авлод муқаррар шу саволга рўбарў келади:

— Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!

Ғазалкентда, дарё соҳилида, офтобга тобланиб ўтириб шу қўшиқни куйлаган боладан: — Ким сенга ўргатди буни? — деб сўрадим. — Ўзим, — деди у. — Шу қўшиқ ёқади менга, айтсам, мазза қиламан!..

Унга бўйсира жажжи қизалоқ эса: — Менинг отам билан онам шу ерда туғилганлар, шунинг учун отам билан онамни қандай яхши кўрсам, Ўзбекистонни ҳам шундай яхши кўраман! — деган...

Нима бу — Ватанни танишми? Жондошлик туйғусими ё?

Кўпни кўрган қариялардан бири шундай деган:

— Бизнинг тупроғимиз шу ердан олиб қорилган, шунинг учун ҳам бу жой кўзимизга оловдай иссиқ кўринади, оҳанграбодай ҳамиша ўзига тортиб туради...

Эҳтимол, шундайдир, эҳтимол, биз кўз очиб кўрган одамлар, эркалаб ўстирган момолар, ёвқур боболар, катта бир халқ тақдирини ўз қисматида кўрган зотлар, минг йиллардан буён давом этиб келаётган ҳаётнинг ўтаётган қисми шу заминга айланиб бораётганлиги учун ҳам у бизга азиз ва мўътабардир?!

Ҳатто, ҳовли-жойини, боғу бўстонини сотиб, ҳаж зиёратига, Каъбага отланганлар ҳам оқибат қайтиб ўз Ватанига келурлар, уларни тортиб келувчи қувват шу тупроқ, шу она-Ватанга меҳру муҳаббатдир, — дейди Абдулла Авлоний. Зеро, Ватан, дўсту ёр, қариндош-уруғ, элулус билан бағримиз бутун, улардан айро тушган маҳал кенг жаҳонга сиғмай қоламиз.

Эҳтимол, шунинг учун Ватан суюклидир, миллат қадрлидир?!

Эҳтимол, шунинг учун олис аждодлар қадим бу заминни онадай азиз билишган?!

Эҳтимол...

Шоир эса шундай дейди:

Толе юлдузининг қутлуғ зиёси
Саодат буржида балққан замон бу.
Беполён Ватан бу — йўқдир қиёси,
Ажиб бир бўстон бу — Ўзбекистон бу!

Суратлар муаллифи Абдулғани ЖУМА

Қассоб солиқ тўламайди... ми?

Қўшчинорлик Қосим қассобнинг фиғони фалакка етди:

— Замона зайли кўнгилнинг майлига мос деганлари бекор экан-да, а? Ўзим қассобхона қурсам, ўз пулимга буқа олиб, сўйиб сотсам... Шунча югур-югур қилганимда биров ҳолинг не деб сўрамаса-ю, беш-ўн сўм томдим, дегунча тергайдиганлар топилиб қолса-я... Тайёр ошга баковул бўлиш ҳам эви билан-да. Давлат менга нима беribдики, мен унга ўз ҳамёнимдан солиқ тўласам? Оларнинг берари бўлгани каби берарнинг ҳам ўзига яраша олари бўлсин-да. Ол товоғим, бер товоғим, қуруқ, қайтсанг ўртада син товоғим, деган гап бежиз айтилмагандир-ов... Тирикчилик — тирриқчилик эмас-ку ахир.

Солиқ соҳасида самарали меҳнат қилаётган дўстимиз Авазбек Эргаш ўғли қассобнинг қитмирона гапидан қизишмади. Сеники номаъқул, ҳам демади. Ётиғи билан уч-тўрт савол ташлади:

— Қассоб, илоҳим соғомон юринг-у, бирор жойингиз оғриб қолса, «Тез ёрдам» машинаси етиб келяптими?

— Албатта. Ўтган куни ярим тунда келинингиз тўлғоқ тутса, денг. Барака топгурлар зумда туғуруқхонага етказишди. Эрталабгача қўчқордек ўғиллик бўлдик! Аммо, лекин, дўхтирларга гап йўқ!

— Ҳеч мелисага ишингиз тушганми?

— Тушган, — деди қассоб маҳзун қиёфада. — Икки ойча бурун бозорда иккита безори бошимни қотиришаётганди, ўзимизнинг мелисалар жонимга оро киришди. Безорилардан бири қочиб қолганди, ўн беш кун деганда Қозоғистондан топиб келишди, азаматлар.

— Катта қизингиз ўтган йили мактабга борганмиди?

— Эй-й, нимасини айтасиз, Юртбошимизнинг савға-саломларини ҳам олди-ку! Текинга сумкасидан тортиб китоб-дафтаригача беришибди! Ҳамсоямизни биласиз, сал камбағалроқ яшашади. Жўжабирдай жон-да улар. Ҳарна ёрдам бўлсин, деб эгизакларига бошдан-оёқ кийимбош ҳам беришибди барака топгурлар!..

— Машиналар муборак бўлсин, — деди солиқчи дўстимиз қассобхона олдида товланиб турган янги «Нексия» машинасига енгилгина уриб қўяркан. — Йўл-пўлда юришга қийналмаяпсизми, ишқилиб?

— Эй, нимасини айтасиз, жўражон, илгари бунақа равон йўллар фақат чет элларда бўларкан, деб эшитардик. Мана, ўзимиздаям қилса бўларкан-ку!

Ажаб савдолар

— Чет элда бунақа йўлларда юрганлардан «йўл ҳақи» талаб этишларини эшитгандирсиз?

— Ҳа, уларда йўл-пўлларигача кимлардир эгалик қилишаркан. Бизнинг йўлларда эса кун-у тун бемалол юраверасиз-да.

— Сизни жаа сиёсатга қизиқадиган одам дейишади, — салмоқланиб сўради солиқчи. — Оламда нима гаплар?

— Оламни қўятурайлик, — чўрт кесди қассоб билағонлик қилиб. — Биргина қўшни давлат — Афғонистондаги алғов-далғов гаплар ўзи ортиқча. Аммо, лекин, юртимизни шу қадар тинчлигини, осудалигини сақлаб турган давлатимизга, армиямизга минг-минг раҳмат. Ака, худо кўрсатмасин, юрт нотинч бўлса, Қосим қассоблик қила олармиди? Ўша куниёқ қассобхонасига ўт кетмайди, деб ким кафолат бера олади? Тинчлик учун жонингни бер, десалар, сўраганингиз шу холосми, ҳали бир жоним экан, керак бўлса ундан ҳам зиёдроғини берардим, дейман, йигит гапим шу!

— Хўш, унда айтинг-чи, пулингиз ўша жонингиздан азизми? — Энди мақсадга кўчди солиқчи. — Ҳалиги безорини қўшни республиканинг қайсидир ковагидан тутиб келиш учун мелиса қанчага тушдийкин? Ярим тунда беминнат хизмат кўрсатишган шифокорларчи? Мактабларда қилинаётган сарф-харажатлар ҳақида сиздек ҳисобкитобни қойиллатадиган одам шунчалик фикр билдирса-я! Ишқилиб, ҳеч вақт ёнғин-поғин чиқмасин-у, бирор кори ҳол бўлса, туну-кун шай туришлари учун ўт ўчирувчиларга қанча маблағ зарурлигини ҳам ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Йўлсозларнинг ҳам беминнат хизматлари аслида давлатга қанчага тушаётган экан? Сиз жонингизни берманг, аксинча, сизнинг, болачақангизнинг азиз жонларини тинч-омон сақлаб турган армиямизга ҳам озмунча маблағ сарфланмаса керак-ов. Буни ўзингиз яхшироқ биласиз, тўғрими? Хўш, айтингчи, давлатимизнинг шунча сарф-харажатлари учун ким солиқ тўлаши керак? Давлат менга қачон, нима берган, дейсиз. Ахир, сиз туғилмасингиздан анча илгари давлат сиз учун ҳам берадиганини бера бошламаганмиди? Ҳомиладор онангизга кўрсатилган ғамхўрликлар аслида сиз учун эди-ку! Ундан кейин боғча, мактаб ва ҳоказоларда текиндан текинга яйраб ўсмадингизми! Ўттизниям урib қўйибсиз. Демак, айтилса-айтилмаса сиз давлатдан ўттиз бир йилдан бери манфаатдорсиз. Худди шундай тўрт нафар фарзандингиз ҳам шу ватанда яйраб улғайишмоқда!..

Қассоб, бўлди, дегандек қўлини кўтарди-да:

— Энди тушундим, ҳамма-ҳаммасига тушундим, — деди. — Аслида чўнтагимни қаппайтираётган жарақ-жарақ пулларни ҳам ёлғиз ўзим топмаётган эканман. Элим, юртим паноҳи остида шунчалик яйраб яшаётган эканимни англадим. Ана энди солиқ тўлашни Қосим қассобдан кўринг!..

Уларнинг суҳбатларини жимгина тингларканман, уни оққа кўчириб Қосимнинг ҳамкасблари ҳукмига ҳавола этишни лозим деб билдим. Хўш, сиз бунга нима дейсиз?

Тўлқин ЭШБЕК

Бугунги кунда деҳқончиликка ҳамиша илмий асосда ёндашиш мўл ҳосил, пировардида юксак манфаатдорлик гарови эканлигини кўпчилик яхши билади. Буни айниқса, Наманган туманидаги «Ғайрат» жамоа хўжалиги деҳқонлари чуқур ҳис этадилар. Шу боис, улар кўпинча ердан ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга интиладилар. Миришкорлар ҳар бир қарич ернинг қадрига етадилар. Шу боис улар йилига камида икки марта ҳосил олишади. Чунончи ўтган йили галладан бўшаган 6 гектар майдонга Америка пистасини экишган эди. Ҳосил кутилгандан ҳам зиёда бўлди. Бир ярим миллион сўм соф фойда олингани фикримизнинг далилидир.

Ҳамиша зарар келтирадиган соҳа ҳисобланмиш чорвачиликда ҳам мувaффақиятлар кўзга ташланиб қолди. Шу соҳадан бир миллион сўмдан зиёд даромад олинди. Ҳар бир сигирдан 2900 килограммдан сут соғилди. Албатта бунинг учун озуқа базасини мустаҳкамлаш зарур эди. Шу боис бу ерда яна бир янги тажриба амалга оширилди. Чунончи, бир майдоннинг ўзига беш хил озуқа экини жойлаштирилди. Натижада ҳар гектар майдондан 26 тоннадан сервитамин озуқа йиғиштирилди.

Миришкорлар бу йил ҳам илғор тажрибани давом эттириб, 18 гектар майдонга Америка пистаси, 12 гектарга мош, 10 гектарга лавлаги, 30 гектар ерга картошка экишди.

Хўжаликда барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришилмоқда. Айни кунларда эса, 689 гектар майдонга экилган пахталар қийғос очилган. Терим авжида. Заршуносларнинг нияти ҳар гектар майдондан 35,2 центнердан сифатли пахта етиштириш.

СУРАТЛАРДА: 1. Тажрибали олим Роман Акчурин билан хўжалик бошқаруви раиси Носир Отаҳонов пистазорда.

2. Участка бошлиғи Абдужаббор Дадабоев билан ижарачи Ҳамидулла Сиддиқов.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

Ошқозонми, дошқозон?

Кейинги вақтларда Ўзбекистон Республикаси Нақлиёт ички ишлар бошқармасининг хизмат кўрсатиш ҳудудларида аср вабоси бўлган гиёҳвандлик моддаларини яширин йўллар билан олиб ўтиб кетишга уриниш ҳоллари бўлмоқда. Айниқса, шаҳар атрофига қатновчи ва йўловчилар поездларида сафарга чиққан йўловчилар гиёҳвандлик моддасини қандай қилиб бўлсада ички ишлар идоралари ходимларининг кўзини шамғалат қилиб «бебаҳо бойлик»ни пуллаб мўмай даромад орттириш илинжида тузоққа тушганини сезмай қолмоқдалар. Ўтган йилнинг 8 ойи мобайнида гиёҳвандликка оид 263 та жиноят аниқланган бўлса, бу йил ана шундай жиноятлардан 303 таси аниқланган.

Биз янги даврга қадам қўйиб янгича ишлашга ўтган сари жиноятчилар ҳам жиноятнинг турлича янги шаклларидан фойдаланмоқдалар. Эндиликда жиноятчилик дунёсидан хабардор бўлган кимсалар гиёҳвандлик моддасини шахсий буюмлари, юклари ичида олиб кетмай, балки целлофан қоғозларга узунчоқ қилиб ўраб, ошқозонга «ҳазм» қилган ҳолда ташишга одатланган кўринади. Аммо улар бир кунлик кайфу сафо ва молу даромадни ўйлаб, умуман яшашни ва соғлиқни унутган кўринишади...

Бугунги кунда бошқармамиз ходимлари гиёҳвандлик билан шуғулланаётган жиноятчиларга қарши аёвсиз курашмоқдалар.

Масалан, 1998 йил 2 сентябрь куни 223-йўналишдаги Душанбе-Москва поезди Туркманистон темир йўлларига қарашли Газочоқ бекатига келганида 13-вагонда кетаётган 1953 йилда туғилган фуқаро Қўчқор Усмоновни ароқдан заҳарланиб ўлганлиги тўғрисида хабар олинди. Унинг жасади тиббий экспертиза йўли билан текширилганда ошқозони ичидан 25 дона узунчоқ шаклдаги целлофан қоғозларга ўралган ўта

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур

таъсирчан героин гиёҳвандлик моддаси топилди. Шу поездда у билан бирга сафарга чиққан Душанбе шаҳри, Москва кўчаси, 87-уйнинг, 2-хонадонида яшовчи, 1951 йилда туғилган Александр Вастюченков ҳам заҳарланиш оқибатида аҳволи ёмонлашганлиги учун Урганч касалхоналаридан бирига ётқизилиб, ошқозони текширилади. Натижада унинг йўғон ичаги ичидан 3 дона целлофан қоғозларга ўралган соф оғирлиги 13,18 грамм миқдоридаги героин моддаси чиқади.

Яна шу куни худди шу поездда 1950 йилда туғилган, Тожикистон фуқароси (Душанбе шаҳри, Нозим Ҳикмат кўчаси, 4-уй, 2-хонадонда яшовчи) Урофат Алиев ҳам қорни оғриётганлигидан шикоят қилиб, Урганч шоҳбекатига етганда тиббиёт ходимларига мурожаат қилган. Унга ташхис қўймоқчи бўлган ҳакимлар ошқозони ичидан 10 дона узунчоқ шаклдаги целлофан қоғозларга ўралган героин моддасини олиб ташладилар.

9 сентябрь куни эрталаб шу поезд Бухоро шоҳбекатига келиб тўхтаганда поезд хизматчилари 223-сонли Душанбе-Москва поездининг 7-вагонида кетаётган Душанбе шаҳри, Ғофуров кўчаси, 48-уй, 50-хонадонда яшовчи 33 ёшли Феруза Рауфовани тўсатдан вафот этганлигини маълум қилишган. Жасад кўздан кечирилганда унда мажбурлаб ўлдирилганлик аломатлари топилмаган. Яна тиббиёт ходимлари ишга киришиб жасаднинг қорнини жарроҳлик йўли билан ёриб кўришганда унинг ўлимига сабабчи бўлган нарса ошқозонига жойлашиб олган 52 дона целлофан қоғозларга ўралган ўта таъсирчан героин гиёҳвандлик моддаси эканлигини аниқлашган. Буни қарангки, ошқозонга «яхши ният» билан жойлаштирилган «бебаҳо бойлик» бир зумда нариги дунёга равона қилишини кўриб кўрқиб кетган дугонаси Душанбе шаҳри, Ленин тумани, Новобод қўрғони, Мирзачўл участкасида яшовчи, 1972 йилда туғилган Муҳаррам Қурбонова ҳам ошқозонида ана шундай «таом»дан 50 тасини ютиб юборганлигини айтиб берди. Шунингдек, Феруза Рауфованинг ҳали вояга етмаган 7 ёшли Абдулатиф исмли ўғли ҳам рентген орқали текширилганда унинг ошқозонида бегона нарсалар борлиги аниқланди. Ҳозирда врачлар унинг ошқозонини тозалаш масаласини кўриб чиқмоқдалар.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики ўз ҳаётини гаровга қўйиб, ўзга юртдан бахт излаб кетаётган бандалар бироз бўлсада қинғир ишнинг оқибати кўнгилсизликларга олиб келишини ўйлаб кўришса бўлар эди. Чунки ошқозон дошқозон эмаски, темирни ҳам ҳазм қилиб юборса...

Ҳакимжон ЮНУСОВ,
милиция капитани,
Нақлиёт ИИБ
муҳим ишлар
бўйича катта инспектор.

Лавозимларни бўлиб олишолмаётганмиш

Камбоджада ҳукумат тузиш бўйича партиялараро музокаралар боши берк кўчага кириб қолди. Камбоджа халқ партияси, «Фунсинпек» ва «Кхмер миллати» партиялари делегациялари ўртасида бўлиб ўтган мулоқотлар натижасида томонлар музокараларни октябрь ойида давом эттиришга келиша олди, холос.

Хабарларга қараганда, музокараларнинг натижа бермаётганига асосий сабаб ҳукуматдаги лавозимларни бўлиб олишда партияларнинг фикри бир жойдан чиқмаётганидадир.

Ўт очиш тўхтатилди

Индонезия қуролли кучлари ва мамлакатнинг Ириан-Жея вилоятида ҳаракат қилаётган папуас айирмачилари ўртасида ўт очишни чекланмаган муддатгача тўхтатиш тўғрисида келишувга эришилди. Маълумки, «Озод Папуа учун ҳаракат» номли ҳарбий ташкилотга бирлашган айирмачилар ушбу вилоят мустақиллиги учун кўп йиллардан буён курашиб келади.

Томонлар «Озод Папуа учун ҳаракат» ташкилоти аъзоларининг ёнида қуроли бўлмаган ҳолатда, мамлакат ичкарисида эркин ҳаракатланиши борасида ҳам келишувга эришган.

Истеҳкомларни бомбардимон қилишди

«Толибон» ҳаракатининг қуролли гуруҳлари Бомиён вилоятининг «Шимолий иттифоқ» қўл остидаги сўнгги туманини босиб олди. Айни пайтда вилоят бутунлай толиблар назоратида турибди.

Толиблар авиацияси Кобулдан 20-25 километр шимолдаги Аҳмадшоҳ Масъуд истеҳкомларини бомбардимон қилмоқда. Масъуднинг Панжшер дарасидаги қароргоҳига ҳам бомба зарбалари берилган.

Аскарлар ёрдамга жўнатилади

Чад ҳукумати Конго Демократик Республикасига (КДР) қўшимча 1000 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчи жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Чад аскарлари КДРнинг қонуний ҳукуматига қарши қўзғолон кўтарганлар билан курашда президент Лоран-Дезаре Кабила ва унинг иттифоқчиларига кўмак беради.

КДРда давом этаётган ҳарбий ҳаракатларда Чаддан ташқари Руанда, Уганда, Ангола, Зимбабве, Намибия сингари қатор Африка давлатларининг ҳарбий бўлинмалари иштирок этмоқда.

Қишлоқ хўжалигига молиявий ёрдам

Жаҳон банки Қирғизистон қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бир неча лойиҳани молиялаштиришга қарор қилди. Мазкур лойиҳалар асосан, чорвачилик, суғориш ишлари ҳамда қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга қаратилган. Жаҳон банкининг бу қарори Қирғизистон иқтисодиётининг ўнгланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Комиссия текширувини талаб қилди

Судан ҳукумати АҚШнинг ракета зарбаси натижасида вайрон бўлган «Аш-Шифо» фармацевтика корхонасида нима ишлаб чиқарилганини текшириш учун БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан махсус комиссия жўнатилишини яна бир бор талаб қилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида сўзга чиққан Судан ташқи ишлар вазири Мустафо Усмон Исмоил ўз мамлакатининг АҚШ билан ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган муносабат ўрнатишга интилаётганини таъкидлади. Судан ҳукумати Вашингтон маъмурияти билан музокара бошлашга тайёр, деди у.

(ЎзА)

Болгария. Балчик соҳили.

Испанчасига эркалаш

Табиатдан аёллар ширин сўзнинг гадоси. Эътибор талаб бўлишади. Аммо, жамики нарсада ўз ўрни, меъёр бўлгани яхши-да. Баъзан эркакларнинг эркалашлариям қуюшқондан чиқса, аёллар «тошиб» кетади. Хулиони ҳеч ким шилқимликда айблamaяпти, фақат «ортиб» кетгани учун литвалик хоним норозилик билдирди, холос.

Воқеа шундай бўлганди. Испаниялик машҳур биринчи овозда куйловчи қўшиқчи Хулио Иглесиас Вильнюсга ташриф буюрди. Юлдузнинг шоу-концертидан сўнг Литва телевидениеси уни студияга учрашувга чақирди. Шунда «Панорама» информация телекўрсатуви журналисти ўзининг соҳибжамоллиги билан қўшиқчининг эътиборини тортди. Беҳосдан кўрсатув чоғида у аёлнинг бурнини чимчилаб, эркалаб қўйди. Аёл бунга жавобан...

Ҳаммаси шундан бошланди. Телевидение дирекцияси бу воқеадан ғазабланди. Хонанда ватанига қайтгач ҳам шов-шувлар босилмади. Литвалик журналистлар Испанияга хат йўллаб, кечирим сўрашни талаб этишди.

Хонанда уларни кўп кутгирмай жавоб мактуби йўлладi. «Мен дунёни кўп кезганман, турли халқлар билан учрашганман. Бу халқларнинг маданияти, урф-одатлари турлича. Шунданам яхши тушунаман, бир халқнинг чиройли одати бошқасига қўпол хатодек туюлиши мумкин. Аммо менинг бу «қилиғим» жаҳон халқларига тушунарли бўлган — оддийгина аёлга эҳтиром-ку. Дарвоқе, испанчасига эркалаш бу».

Хулио ҳақдай. Ростанам бу эркалаш-да. Фақат сал «ошгани» демаса?!

Жаҳон бозорлари

Олтин нархи пасаймоқда

Ўтган йилнинг учинчи квартали охирида қимматбаҳо металлар бозорида олтин нархи анча барқарорлашди, ҳатто, трайдерлар сариқ металлга бўлган талабнинг ошиши билан боғлиқ ҳолда унинг нархи бирмунча ўсишини тахмин қилишганди. Бироқ тўртинчи чоракда сариқ металл нархи аввалгидек мунтазам тушиб борди.

Олтин нархининг бундай пасайиши яқин 15 йил ичида кузатилмаган эди. Бу эса жамғарма бозорларидаги танг аҳвол билан боғлиқдир.

Ўтган йил октябрининг охирида Осиё жамғарма бозорида дастлабки нарх тушиб кетиши рўй берганда, инвесторлар олтин ҳисобида пул жамғаришга тушдилар ва бу нархнинг бирмунча ошишига олиб келди. Бироқ кейинги кунларда жамғарма бозори, ўзини тиклаб олиши билан олтин нархининг тушиши яна бошланди.

Ноябрда олтин бозори бир қанча жиддий йўқотишларга учради. Ноябрнинг биринчи қисмида сариқ металлнинг нархи жуда тушиб кетди. Океан ортида — Нью-Йоркдаги бир қанча банклар олтин шартномаларини сота бошладилар ва бу ҳол Лондон бозорига кўчиб келди. Бу ерда олтин унциялари нархи кейинги 12 йил ичида энг паст бўлди.

Қимматбаҳо металлар нархи ошади деган тахминлар бор эди. Бироқ бу ишонч оқланмади, кейинроқ АҚШдаги банкларга ва инвесторларга олтин ҳисобида маблағ тўпламаслик тавсия қилинади. Марказий банклар ҳам олтин бозоридаги тангликни кучайтириб юборишди. Германия иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида ўз олтин заҳираларини кредитга берганлиги ҳам бозорда олтин миқдорининг кўпайишига олиб келди.

Умуман, йил охиригача ҳам, ҳатто Осиёдаги бир қанча мамлакатларда, хусусан, Хитой ва Ҳиндистонда тўйлар мавсуми, Рождество ва Янги йиллар бошланиб, олтинга талаб ошган пайтда ҳам мутахассислар унинг нархи кўтарилиши борасида таскин бераргли бирон-бир фикр айта олмаяптилар. Ҳадемай, олтин нархи пасайиб, олдин ҳеч рўй бермаган даражага тушса керак, кейин эса унинг нархи яна кўтарилиши ҳеч гап эмас.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «O'ZIMIZ» хусусий фирмасининг фаолияти **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Ўрмон қўмитасига қарашли хўжалик ҳисобидаги «Ташкиёгочсавдоўрмонресурслари» фирмаси ўз фаолиятини **ТУГАТГАНЛИГИНИ** маълум қилади.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Ялангочлик эълон қилишди

Венесуэлалик студентлар ғалати норозилик намойишига чиқишди. Ғалатилиги шуки, кўчалардаги гурас-гурас ёшлар ширяланғоч эдилар. «Ялангоч ҳақиқат»чилар Венесуэла Марказий университетидан то одам гавжум Венесуэла майдонигача «салб юриши» қилиб боришди.

Олдинлари полициячилар бундай намойишчиларга қарши тахт бўлиб туришарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Лекин улар студентларнинг «пўрим» ташқи кўринишидан жамоат жойларидаги тартибни бузиш ҳолатини аниқлашмади. Қизиғи, баъзи полициячилар студентлар билан «бирга юриш»гаям жон деб рози бўлишди. Чунки ёшлар олий таълимга ажратилаётган «садақа сифат таъминот»га қарши норозилик билдиришаётганди-да.

Одатда, студентлар бундай «чиқиш»ларга алоҳида тайёргарлик — афт-башараларни рўмол билан танғиган, қўлларида тош, портловчи моддалар солинган бутилкалар билан «қуролланиб» сўнггина «юриш» қилишарди. Бу safар бўлса ширяланғоч. Лекин одамлар уларни қўллаб-қувватлаб кутиб олишди. Йўл-йўлакай «ечиниб» сафларига қўшилганлар ҳам бўлди.

«Ялангоч ҳақиқат»чиларни ҳукумат қандай қабул қиларкин? Ёшларни бўлса талаби қатъий: таълимга «хайр» қилишларига йўл қўймаймиз.

Йўқса, студентлар кийинишдан бош тортади.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади



ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 5

ЎзТВ-I
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
8.40 Лирик тароналар.
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.30 «Жаҳон спорти».
9.40 «Кишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 Жаҳон киноси юлдузлари.
10.40 Кундузги сеанс. «Бор экан-да, йўқ экан...». Бадиий фильм.
12.05 «Олтин тож». Телеўйин.
12.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
13.00—14.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қадами нақш». Мультфильм.
18.20 «Милоддан илгари: «Ерқўрғон қалъаси». 1-қисм.
18.40 «Олам ва одам».
18.55 «Сўғдиёна» камер оркестрининг концерти.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод алифбоси».
21.25 «Созимда диёр мадҳи». Мусиқий дастур.
22.00 «Сиёсат оламида».
22.20 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 47-кўй.
23.00 «Ахборот».
23.30 «Теннис-клуб».
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II
«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Ким эпчилу, ким чаққон», Мультфильм).
18.45 «Сурур». Мусиқий дастур.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 «Ақл ёшдамас».
19.35, 20.25, 22.20 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал. (Венесуэла).
20.30 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.50 Ёшлар наволари.
21.00 «Ҳудуд». Жиззах вилоятидан тайёрланган.
21.25 «Нигоҳ».
21.40 Араб эстрадаси.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Регтайм». 1—2-қисмлар.
00.35 Спорт қитъаси.
01.05 Хайрли тун!

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Болалар учун. «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 Телефакт.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.15 ТТВ — Мюзик.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Очиқ дарс».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 Саргузашт фильмлар экрани.
23.55 «Дарвоқе...». Ҳажвий кўрсатув.
00.20 Телефакт.
00.35 Ҳужжатли экран.
01.05 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
01.10 Спорт-тайм.
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Кўзмунчоқ».
Россия жамоат телевидениеси.
18.55 Милиция сериали. «Синган чироқлар кўчаси».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи» Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Вақт хазинасидан».
21.45 «Ҳосилингизга барака».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф: «Ўч». Комедия. Бош ролда Анни Жирардо (Франция).
00.10 «Шлягер».
00.25 «Сиз учун».
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.10 Тунги сеанс: «Кулги ишкибозлари» (АҚШ).
02.40—02.45 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА, 6

ЎзТВ-I
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошлар тилга кирганда».
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 47-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 «Созга солдим Алпомишни».
11.00 «Эрталар — яхшиликка етаклар».
11.40 «Талаб ва таклиф».
12.05 «Санъат олами».
12.25—14.00 Кундузги сеанс. «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.30 «Милоддан илгари: Ерқўрғон қалъаси». 2-қисм.
18.50 «Экран куйлари». Киноконцерт.
19.10 «Бой бўлишни истайсизми?».
19.25, 19.55, 20.25, 21.10, 22.10, 22.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Ранглар жилоси».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ахли ёр ўлсайди...». Очилхон Отаховнинг.
21.40 «Акс садо».
22.15 Диққат, премьера: М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 48-кўй.
23.00 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Қашқа-дарё вилояти.
23.40 «Ахборот».
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II
«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Қувноқ учрашув», Мультфильм).
18.45 «Ёшлик бебошлик-ми?» криминал хроникаси.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Ғазал соғинчи.
19.35, 20.25, 22.20 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Сиз севган хонанда Шуҳрат Воҳидов.
20.45 «Енмаган ёзувлар».
21.05 «Болливудга нигоҳ».
21.25 «Ёшлар ва спорт».
21.40 Шарқ эстрадаси.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Қайта ўлимга маҳкум эт».
23.55 Спорт-қитъаси.
00.25 Хайрли тун!

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.20 Мусиқий лаҳзалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Бу джаз». Мусиқий кўрсатув.
22.15 «Бешинчи ўлчов».
22.35 «Молт ва Фил». Мультсериал.
23.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Тунги сеанс.
00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Менинг кўчам».
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Милиция сериали. «Синган чироқлар кўчаси».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «5 дақиқа ҳангома».
21.25 «Касбга назар».
21.40 «Подиум».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф: Жеки Чан «Полициядаги ходиса» фильмида.
24.00 «Биргаликда куйлаймиз» саҳифаларидан.
00.40 Клип-антракт.
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.10 Тунги сеанс. «Менинг дўстим соткиндир». Бош ролларда: Андрей Дюссалье, Валерий Каприски (Франция).
03.05 — 03.10 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА, 7

ЎзТВ-I
«ЎЗБЕКИСТОН» КАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ахборот».

*

8.30 «Муҳаббат бошимдан кетмасин». Мусиқий дастур.
8.50 «Бармоқлар сеҳри».
9.05 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 48-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 Акс садо.
11.30 «Шоирлар болаларга».
12.05 «Зийнат».
12.25 «Рақс, рақс, рақс».
12.50—14.00 Кундузги сеанс. «Олтин тоғнинг сири». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.30 «Милоддан илгари: Ерқўрғон қалъаси». 3-қисм.
18.45 «Истеъдод». Абдужалил Қўқонов.
19.05 «Мулк ва муносабат».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 Ғиҳмли оҳанглар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Менинг Тошкентим!».
22.25 «Ўзгу».
22.45 «Ёшлар ҳудуди».
23.10 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 Видео—«О».
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Телешифокор».
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Милиция сериали. «Синган чироқлар кўчаси».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «5 дақиқа ҳангома».
21.25 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф: «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 10-қисм.
00.15 «Шоҳсупа сари йўл».
00.35 Клип-антракт.
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.10 Тунги сеанс: «Йўқотилган сайёра учун кураш». Фантастик фильм. Бош ролларда Матт Митлер, Денис Кауард. (АҚШ).
02.45—02.50 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 8

ЎзТВ-I
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Театр хонандаларининг концерти.
9.10 «Талаба ва спорт».
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳисор қўриқхонаси».
9.45 «Буни умр дерлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва қонун»га хатлар.
10.25 «Остона». Адабий кўрсатув.
10.50 «Оламни асранг».
11.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
12.20 Кундузги сеанс. «Маринка, Янка ва кирол қасрининг сири». Бадиий фильм.
13.35—14.00 «Кишлоқ ҳаёти».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Алпомишлар хамиша голиб».
18.25 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бўлса қайир — бўлмаса хайр». Иқтисодий шарҳ.
21.25 «Орзу яшар кўнгилда». Мусиқий дастур.
22.00 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. М. Шайхзода. «Жалолиддин Мангуберди». Видеофильм. 1-қисм.
23.05 «Ахборот».
23.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бухоро» — «Насаф».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II
«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Ўйна, болажон ўйна», Мультфильм).
18.45 Табобат оламида.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Мусиқий лаҳзалар.
19.35, 20.25, 22.35 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Мушоира.
20.40 Ёшлик наволари.
20.55 Одобнома.
21.05 Дилнавоз садолар.
21.15 Одамлар орасида.
21.40 Шарқ эстрадаси.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 «Дойче Велле» тақдим этади...
22.40 Синема. «Варшава йўлбарси».
00.10 Спорт қитъаси.
00.40 Хайрли тун!

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.05 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 «Усто». Телелавҳа.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Билиб қўйган яхши».
20.15 Мусиқий дақиқалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «ТВ ва театр».
21.25 «Довюраклар». Телесериал.
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.20 Кинонигоҳ.
24.00 «Даракчи».
00.05 «Яхши кайфият».
00.55 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Бинафша».
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Милиция сериали. «Синган чироқлар кўчаси».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «5 дақиқа ҳангома».
21.25 «Польшага назар».
21.40 «Спорт-клуб».
22.00 «Вести».
22.35 «Кино сайёраси». Замонавий Франция киноси.
22.50 Шон Коннери «Атиргул номи» фильмида (Франция).
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.10 Тунги сеанс. «Қаҳр». Бош ролларда: Пол Кларк, Баверли Адлер (АҚШ).
02.35—02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖУМА, 9

ЎзТВ-I
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ахборот».

*

8.30 Мумтоз қўшиқлар.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистоним гуллаган боғ».
9.15 «Саргайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
9.35 «Кизиқарли учрашувлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жараён».
10.30 Немис тили.
11.00 «Беодоб». Мультфильм.
11.10 Болалар учун. «Бир сиким тупроқ».
11.35 «Мулоқот». Публицистик кўрсатув.
12.05 «Меҳр қолур».
12.20 «Қўшиқ билан кўраман оламни». Мусиқий дастур.
12.50—14.00 Кундузги сеанс: «Арабелла — қароқчи қиз». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
18.15 «Ёруғ олам кўзгуси».
18.30 «Қалб гавҳари».
18.50 «Ислоҳот ва масъулият».
19.10 «Зиё қарчашмаси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Бир жуфт қўшиқ.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тарихий хотирасиз келажак йўқ».
21.40 «Янграсин шўх яллалар».
22.05 «Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. М. Шайхзода. «Жалолиддин Мангуберди». Видеофильм. 2-қисм.
23.05 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
23.35 «Азиз сиймолар».
23.55 Бадиий фильм.
01.25—01.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II
«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, Умид чечаклари, Мультфильм).
18.45 «Ислом ва ёшлар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 «Шабнам».
19.35, 20.25, 22.55 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Бизнес-доктор.
21.00 Мусиқий лаҳзалар.
21.10 «Автосалтанат».
21.20 «Меҳр кўзда». Сирдарё вилояти пахтакор ёшлари билан учрашув.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 Интер-спорт.
22.40 Араб эстрадаси.
23.00 Синема. «Меҳрибонгинам». (Ҳиндистон).
01.00 Спорт қитъаси.
01.30 «Мунаввар тонг истаб...».
01.40 «Дидар».

ЎзТВ-III

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Болалар учун. «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
8.25 «Туризм ҳақида».
8.55 «Очиқ дарс».
9.15 Саргузашт фильмлар экрани.
10.45 «Дарвоқе...». Ҳажвий кўрсатув.
11.10—12.50 Кинонигоҳ.

* * *

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.05 «Ерилтош». Мультфильм.
18.35 «Санта-Барбара», Телесериал.
19.15 Мусиқий лаҳзалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Тўйғуларим».
20.05 Рақслар жилоси.
20.20 Нурли мавж.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Довюраклар». Телесериал.
21.45 «Жозиба».
22.05 Спорт оламида.
22.25 «Олтин нохун». Т. Алиматов. 1-кўрсатув.
22.50 «Даракчи».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Кинонигоҳ.
00.45 «Хайрли тун, шаҳрим».

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.45 «Ҳаёт карвони».
Россия жамоат телевидениеси
18.55 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Бу — Хитой».
21.40 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.35 «Оскар» мукофоти антологияси».
22.50 «Оскар» совриндорлари: «Америкалик Парижда», (1950 йил).
00.40 Клип-антракт.
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.10 Тунги сеанс: «Шаҳар чегараси». Фантастик-фильм. Бош ролларда Даррел Ларсан, Джон Сталкўэлл (АҚШ).
02.35—02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА, 10

ЎзТВ-I
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Зиёрат».
9.15 «Экран зийнати ва муаммолар».
9.45 «Шохрух» клуби.
10.05 Телевизион миниатюралар театри.
10.40 «Эртанги кунга ишонч».
11.00 «Умид» намойиш этади: «Махорат».
«Очиқ дарс».
«Табассум кўчаларида».
«Ўйла, изла, топ».
13.10 «Ёзувчи ва замон».
13.30 Кундузги сеанс. «Кузги марафон». Бадиий фильм.
15.00 «Ҳаёт сабоқлари».
15.25—15.55 «Маъnavинят». Бадиий-публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Ҳисобни билганлар».
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00, 22.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.05 «Киёфа».
22.35 «Дугоналар бормисиз». Мусиқий дастур.
23.20 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.50 «Мусиқий саёҳат».
00.10 «Оилавий бизнес». Бадиий фильм.
01.50—01.55 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ-II
«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» намойиш этади: («Бугуннинг боласи», «Қувноқ учрашув»).
9.40 Ёшлар ва спорт.
9.55 «Куйла, ёшлигим».
10.10 Нигоҳ.
10.25 Ринг.
10.45 «Ҳудуд». Жиззах вилоятидан тайёрланган.
11.15 «Сурур». Мусиқий дастур.
11.30 Бизнес-доктор.
12.00 Спектакллдан сўнг.
12.20 «Дилнавоз садолар».
12.30 «Ўзбектелефильм» премьераси. «Илон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.00 Шарқ эстрадаси.
13.20 Цирк, цирк, цирк.
13.45 Тақдим.
14.05 Жаҳон жўғрофияси.
14.55 «Синдбод». Телесериал.
15.40 Хит-коллекция.
16.00 Синема.
17.30 Спорт қитъаси.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, У ким? Бу нима?, Мультфильм).
18.40 Дилбарим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Бизнес академия.
19.35, 20.15, 23.05 — Эълонлар.
19.40 «Ўзбектелефильм» премьераси. «Илон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
20.15 «Агарда сиз...».
20.35 Сир.
20.55 Мусиқий лаҳзалар.
21.10 Интер-футбол.
21.35 Мусиқий хиёбон.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 Кўнгил кўнгилга пайванд.
22.50 Йирик планда. Энтони Хопкинс.
23.10 Синема. «Қўйдек беозорлар». Бош ролларда. Энтони Хопкинс ва Жоди Фостер.
01.00 Хайрли тун!.
01.05 «Умид».

ЎзТВ-III

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Мультфильмлар туплами.
8.20 Дилором наволар.
8.40 «Билиб қўйган яхши».
8.55 «Нурли мавж».
9.05 «Лавжой». Телесериал.
9.50 «Бешинчи ўлчов».

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 3 oktyabr, shanba № 118 (23.355).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Улуғлик пиллапоялари

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўргатди ранж ила,
Айламак бўлмас они ҳаққин адо минг ганж ила.

Алишер НАВОИЙ

Ҳа, Ҳазрат Навоий ҳақ, илмни ранжлик, беҳузурлик билан ўқувчига ўргатиб бўлмайди. Аслида ўқитувчилик муқаддас касб. Минг-минглаб шогирдлар етиштирасиз. Уларнинг ичида олимлари, ҳунармандлари, ишбилармонлари бор. Ўзи суйган касбга эришганлари биринчи навбатда ўқитувчилари — устозларини эслайди. Уларнинг шаънига илиқ гаплар айтади. Қандай яхши! Сизни эъзозлайдиган одамлар борлиги. Ахир инсон ташвишларга кўмилиб, умри давомида из қолдирмай ўтиб кетиши мумкин. Яшашдан маъни шу — ортингда сени хотирлайдиган, қилган яхшиликларингни оммалаштирадиган одамлар бўлса, улар сенинг чироғингни ёққувчилар. Номингни абадийлаштирувчилар. Ортингда из қолгани шу бўлса керак.

Ўқувчилик пайтларим, бошланғич синфларни тўлиқ ўқимаганман, раҳматли отамга қўшилиб пода боқардим. Лекин имтиҳонларни албатта топширардим. Менинг арзимаган ютуқларимни рўкач қилишиб, «мана пода боқса ҳам ўқибди-ку!» — дея аъло баҳо қўйишарди. Мен хурсанд эдим. Энди ўйлайман: меҳнат юқори қадрланган даврлар, ким учун? Албатта, илмли, иқтидорлик бўлиш учун эмас, балки меҳнаткашни, яъни текин қулни тарбиялаш учун бўлган. Империя ғояси эди бу. Энди тушунаяпман. Баъзида алам қилади, шу кунларда мустақиллик кунларида туғилмаганимга. Лекин баъзи ўқитувчиларим Қулмурод Жумаев, Оқбой Маҳмудов кабилар сўкиб, уриб бўлса ҳам ўқитишга ҳаракат қиларди. Мен кўника олмасдим. Барибир тўғри қилишганини энди англай бошладим. Шулар ҳам илм ўргансин деган. Илм ўрганган одам, аввал ўзини танийди, қолаверса ота-онани, Ватанни, яратганни танийди.

Яқинда Япония элчихонаси маънавият ишлари вакили билан танишиб қолдим. Ўзбекчани яхши гапирар экан. У: шарқшунослик факультетини тугатган икки нафар ўзбек фарзандлари элчихонада ишлаётганини айтиб қолди. Мен ғурурланиб қўйдим. Мендан ҳам кўпроқ уларнинг биринчи ўқитувчилари ғурурланган бўлса, ажаб эмас. Ахир, ота-боболаримиз: устоз отангдан улуғ, дейишган. Устоз шарқда маънавий ота ҳисобланган.

Мамлакатимизда улуғ ишлар қаторида яна бир воқеа содир бўлди. Кимдир англади, кимдир йўқ. Яъни биринчи октябрь Ўқитувчилар куни деб эълон қилинди. Ҳатто яшил ҳарф билан тақвимга ёзилди. Ҳукуматимиз раҳбариятининг эзгу, инсонийлик қадами эди бу. Ахир, эти сизники суяги бизники, деган ҳикматона гапнинг тагида олам-олам маъно бор. Бир ривоятда келтирилишича, бир маҳаллада яшовчи кишини қози суд қилади, унинг айби намоз ўқимаслигида, исломга хос бўлмаган ишларни қилишида бўлади. Подшоҳ уни ўлимга буюради. Шунда бир ўғлон қаторидан чиқиб: отам менинг илмли, ўқимишли, оламни таниган бўлишим учун бор бисотини сарфлади. Унинг ҳамма ҳаракати менинг одам бўлишим учун эди. Агар ўлим жазоси лозим бўлса, мени ўлдиринглар, — дейди. Қози ўғилни имтиҳон қилади. Ўғил барча — диний, дунёвий саволларга аниқ ва лўнда жавоб беради. Ўспиринниг ақл-заковатидан лол қолган подшо: шундай ўғилнинг отаси яшаши керак, дейди.

Иккинчи ўғлим 284-мактабнинг 4-синфида ўқийди. Эрталаб синглисини мактабга олиб кетиши керак. Қизим оилада ёлғиз. Исми ҳам Зиёда. Мактабга эриниб боради. Шерали эса: ада, мен кетдим. Кечиксам устозим хафа бўлади, деявера; ди. Мен шошилмасанг-чи, — дейман. Устоз уялтиради-да, — дейди у. Устозинг ким, — дейман. — Лола опа-да, — дейди хомуш. Шундай устозларнинг борига ҳам шукр, — дейман, ичимда. У нимага шошаяпти? Илм ўрганишга! Мен эса пода боқардим, ўша пайтлари. Бари бир мустақиллик яхши-да! Катта ўғлим рус тилида бемалол гаплашади, инглиз тилини ҳам жуда яхши ўзлаштирди, шеърлар айтиб беради. Мен эса ўзбекчани, ўз она тилимни яхши, эплаб ўргана олмагандим, ўша пайтлари. Ҳамма миллат ҳам озод бўлсин экан.

Давлатимизнинг саъй-ҳаракатлари билан барча синфларга янги ўқув қўлланмалари яратилди. Мен мукаммал ҳолатда демоқчи эмасман. Лекин бу илк уриниш. Унда ҳато, камчилик бўлиши табиий. Барибир тамал тоши қўйилди. Эртаси нурафшон бўлади бу юртнинг. Сийқаси чиққан бўлса-да бир гапни такрор айтаман: Япония иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланғич синф ўқувчиларини ўз қарамоғига олади. Уларнинг соғлом ўсиши учун тўйимли, витаминли озиқ-овқатлар билан таъминлайди. Ўқув қуроллари, кийим-кечакларини ўз зиммасига олади. Бугунги Японияни кўз олдингизга келтиринг! Корея Республикаси эса бир кунда йигирма тўрт соат ишлайди. Инсон чидаши мумкинми? Ҳа, бунга кореяликлар гувоҳ! Бугунги Корея Республикаси гувоҳ!

Таълим тизимини ислоҳ қилиш давлатимизнинг энг буюк ишларидан бири. Унинг меваси бугун эмас, эртага тотли бўлади. Шу ўринда бир дўстимнинг: мамлакат тинчлигини, осойишталигини ушлаб турган инсон борлигимизнинг фахридир, деган сўзларини эсладим. Ўқитувчимнинг: каллангда ҳеч вақо бўлмаса гўрам бўлмайсан, деган гапларини эсладим. Биз ўтмиши буюк халқмиз. Қонимизда боболар қони оқмоқда. Агар тинчлик бўлса Ўзбекистон энг буюк мамлакатлар қаторида буюк бўлади. «Буюк аждодлар ишини давом эттирган халқ буюкликка даъвогар» — дейди ибн Сино. Каллада бир нарса бўлиши учун илм ўрганиш, дунёни таниш керак. Бунинг учун аввало, юртда осойишталик бўлиши керак. Давлатимизнинг бош муаммоси ҳам шу: ёшлар илм ўргансин, дунё танисин, маънан баркамол бўлсин. Ўзбек бу ўзгалар маданият олиб келадиган халқ эмас, маънавият таратадиган халқ! Етти ёшли бола ўтирган дастурхонда етмиш ёшли момони дуоси ижобат бўлмайди, — дейди бу халқ. Қайси миллатда бор яна шундай нақл? Ота рози — Худо рози, — дейди бу халқ. Яна қайси халқда бор бу? Она рози — пайғамбар рози, — дейди бу халқ. Унга сиғинмай бўладими?

Қизиқ, оддий мактабнинг ўқитувчиси тўйу маъракаларда дастурхон тепасига таклиф қилинади. Ахир ҳар бир соҳанинг мамлакат фаровонлигига ўз ҳиссаси бор-ку? Муаллим — табаррук ном! У миллат боласига билим ўргатади, тарбия беради, одоб-ахлоқдан сабоқ беради. Унинг меҳнати қанчалик масъулиятли бўлмасин, файзлидир. Ҳосили дилни яшартиради. Яшашга завқ уйғотади. Шогирд фарзанд каби камолот касб этишида ҳикмат шу.

1996 йили, нашриётда ишлардим, бир тадбиркор инсон келиб: мана шу китобни неча пулга чиқарса бўлади. Ҳомийлик қилмоқчиман, деб қолди. Рости, отаси, қариндоши ё ёрдами тегиб турган одам бўлса керак, деб ўйладим. У: бу одам менинг биринчи муаллимим, ўқувчилик пайтимда шеърларингизни ўзим чиқараман, деб ваъда бергандим. Ўша ваъдамни бажармоқчиман, — деди. Ёши қирқдан ошган ўқувчининг лабзи, вафоси мени титратиб юборди: қанча пул ўтказишга қурбингиз етади, — дедим. У айтди. Мен рози бўлдим. Мўъжазгина шеърий тўплам чоп этилди.

Ўқитувчилик — фахрли касб. Агар ҳақ йўлинда бир ҳарф ўқитиб ранж чекмасанг. Ўқувчини қалбидан жой ола билсанг. Мен калом баҳона барча устозларимни муборак айёмлари билан қутлагим келади. Қутлайман ҳам. Чунки, нимагаки эришган бўлсам, ўқитувчиларим сабаб. Уларнинг сидқидилдан ўргатган билимлар сабаб. Шу миллатнинг, шу халқнинг келажаги — ёш авлодни вояга етказишда, илми руҳияти жонбахш, ҳузурли бўлишида бор куч-қувватини сарф қилаётган устозлар бизнинг бахтимизга, юртимизнинг бахтига доимо соғ-омон бўлишсин. Бизнинг иқтидоримиз юксалиши сизнинг иқтидорингиздан. Сиз биздан фахрлансангиз, биз осмон қадар юксаламиз.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

***

СУРАТДА: Қибрай туманидаги Амир Темур номли 25-ўрта лицей мактабнинг тажрибали ўқитувчиларидан Муҳаббат МАМАРАҲИМОВА дарс пайтида.
Шавкат АКРОМОВ олган сурат.

Кулги — умр зийнати

Хотини эридан сўради:
— Нега қўшнимиз билан шахмат ўйнамай қўйдинг?
— Ҳадеб гирромлик қиладиган, ютқазса жанжал кўтарадиган одам билан сен ўйнармидинг?
— Йўқ, албатта.
— Қўшнимиз ҳам ўйнамай қўйди.

❧ ❖ ☙

— Кеча деразангдан хотининг билан ўпишаётганингни кўриб қолдим.
— Хўп қизиқ гапни гапирасанда... Мен кеча, умуман, уйда эмас эдим...

❧ ❖ ☙

Эру хотин курортга кетяпти. Поезд кўзғалгач, хотин хўрсиниб эрига дейди:
— О, қани ҳозир пианиномиз шу ерда бўлиб қолса...
— Хўб бемаъни фикрлар келади-да каллангга...
— Пианинонинг устида поезд билетини қолдириб келибман...

❧ ❖ ☙

Эру хотин машинада кетаётиб, ҳалокатга учрашди. Бир неча кундан кейин эр ўзига келади ва касалхонада каровати ёнида ўтирган хотинидан сўрайди:
— Нима, жаннатга тушдимми?
—Йўқ, азизим. Мен ёнингдаман-ку...

Велосипедда жаҳон кезиб

Кавказ ортда қолди

Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси, 54 ёшли истеъфодаги капитан Мурод Қосимов ўзбек сайёҳлари орасида биринчи бўлиб велосипедда дунё бўйлаб уч йиляик сафарга чиққанлигини хабар қилган эдик.

Мана орадан бир ойдан сал кўпроқ вақт ўтди. Сайёҳ шу давр мобайнида анчагина йўл босиб улгуриб, У дастлаб ўз Ватани — Ўзбекистон ҳудудидан қўшни Туркманистон Республикасига ўтди. Сўнг Озарбойжонга йўл олиб, унинг Боку, Мариза, Собир, Шемаха, Ахсу, Қорамарям, Гўкчай, Агдаш каби 15 дан зиёд шаҳар ва туманларида бўлди. Арманистонда эса сайёҳнинг сафари беш кун давом этди.

Шу нарса диққатга сазоворки, Мурод Қосимов сафар давомида қаерда бўлмасин, ҳамма ерда уни нон-туз билан илиқ кутиб олишиб, иззат-ҳурматини жойига қўйишмоқда. Унга Ўзбекистондан келган азиз меҳмон сифатида қарашиб, яшаши ва сафарни давом эттириши учун шароит яратиб беришмоқда. Қабул маросимлари ўтказилиб, ўқувчи ва талабалар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Жойларда маҳаллий матбуот, радио ва телевидениеларда сафар ҳақида ахборотлар бериляпти. Озарбойжон телевидениеси эса ўз дастурига ўзгартириш киритиб, гуллаб-яшнаётган мустақил Ўзбекистон ҳақида, унинг матонатли сайёҳи Мурод Қосимов хусусида махсус кўрсатув тайёрлаб, эфирга узатди.

Мурод Қосимов билан телефон орқали боғланиб, «Қийинчиликлар бўлмаяптими?», деб берган саволимизга «Йўлда шамол турган пайтларда чангтўзон кўтарилишини, ҳаво дим бўлганда эса, пашшаларнинг «талаши»ни ҳисобга олмаганда — ҳамма ери жойида» деб жавоб берган эди.

Лекин, унинг гапига қараганда, Озарбойжондан Арманистон ҳудудига ўтишда ҳам бироз қийинчилик содир бўлган. Гап шундаки, ҳали-ҳанузгача Тоғли Қорабоғ муаммоси ўз ечимини топмаганлиги сабабли чегарадан ўтишда тўғри, равон йўл қолиб, сайёҳга тоғ йўлларидан юришга тўғри келган.

Шундай қилиб, Кавказ ортда қолди. Сафар эса давом этмоқда. Эндиги манзил — Туркия Жумҳурияти.

Ортиқали
ТИЛОВБЕРДИЕВ

«Жиззахбалиқ» очиқ турдаги акционерлик жамияти акциядорлари диққатига!

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли қарорига асосан, «Жиззахбалиқ» ОТАЖ акционерларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 1998 йил 30 октябрда соат 11.00 да бўлади. Мажлис маъмурий бинода ўтказилади.

Кун тартиби: 1. Меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш. 2. Кузатув кенгашини қайта сайлаш.

Манзил: Жиззах шаҳри, Навоий кўчаси, 4-А.

Бошингизни қотирамиз



Оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Ҳатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ*, навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи *Бахтиёр ҲАМИДОВ*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида. А—2 форматида. 20.122 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0397

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

UZBEKISTAN airways

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»: БУТУН ЖАҲОН ҚАНОТ ОСТИДА!

Куз амалий сафарга отланмоқчи бўлаётган ёки меҳнат таътили йилнинг ана шу даврига тўғри келган кишиларга асло ҳалақит бермайди! Аксинча, ушбу даврда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўз қатновлари, парвозлари чоғида таклиф этаётган турли имтиёзлардан фойдаланишнинг катта имкониятига эгасиз. Масалан, одатдаги мавсумий имтиёзлардан ташқари авикомпания ТОШКЕНТ — ИСТАМБУЛ йўналишида йўловчиларнинг турли тоифалари учун махсус тарифлар гулдастасини таклиф этади. Чунончи, ёшлар учун (12 дан 27 ёшгача) бориш ва келиш тарифи чиптанинг одатдаги 640 АҚШ доллари қиймати ўрнига 512 долларни, уч киши ва ундан ортиқ оила учун (онаси, отаси, 12 дан 18 ёшгача бўлган боласи) 528 долларни, пенсионерлар учун тариф 552 долларни, ишчилар гуруҳи учун (10 кишидан бошлаб) бир томонга 360 долларни ташкил этади. Бундан ташқари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» сўнгги вақтда бошқа авиакомпаниялар билан уларнинг МАК самолётлари учмаётган йўналишлардаги қатновларига чипталарни сотиш бўйича бир қатор махсус Битимлар тузди.

Шу ернинг ўзидаёқ, Тошкентда ёки авиакомпаниянинг ваколатхонасида Сиз жаҳоннинг исталган шаҳрига чипта харид этишингиз мумкин. Мисол учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» қатновида Тошкентдан Киевга учиб бориб бу ердан Сиз «Эйр Украйна» қатновида Бухарест ёки Варшавага, София, Братислава, Будапештга парвоз этишингиз мумкин. Москва орқали Сиз «Аэрофлот» билан Хельсинки, Вильнюс, Рига, Мурманск, Калининград ва бошқа шаҳарларга учишингиз мумкин.

Шунга ўхшаш битимлар жуда кўплаб авиакомпаниялар билан тузилди, улар сафига «Иберия» (Испания), «Арман авиалиниялари», «Балкан Авиа», «Белавиа» (Белорусь) ва бошқалар қўшилди, натижада амалда барча қитъалар қамраб олинди.

Аралаш ташиш, яъни Европанинг маълум нуқтасигача самолётда ва сўнгра поездда боришни ўз ичига олган Авиация чиптаси сотуви йўловчилар учун хизмат кўрсатишнинг янги тури бўлди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси энг йирик темирйўл компаниялари бўлган «Евростар» («Европа темир йўллари»), «DEUTSHHE BAHN AG» («Германия ва Голландия темирйўллари») билан Битимлар имзолади. Шундай чиптани сотиб олиб, Сиз барча йўл муаммоларингизни дарҳол ҳал этасиз.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси бундан буён ҳам йўловчиларга хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириб бораверишга бел боғлаган.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЎЗИНГИЗ ҲАМ КАШФ ЭТИНГ!

МАК хизматлари тўғрисидаги батафсил ахборотни Ҳаво алоқалари бош агентлигида (Тошкент, У. Носир кўчаси, 9. Тел: 56-38-37, 066) ва МАКнинг МДҲ ва хориждаги ваколатхоналаридан олишингиз мумкин.

Организация реализует со склада в Ташкенте нижеследующие:

Асботкань АТ-1С; АТ-3
Сальниковая набивка АПРФ 10
Автошины 175х16 (Газель); 205х14 (Волга) 8,40х15 (УАЗ).
Аккумуляторы 6СТ-60; 6СТ-90; 6СТ-180.

Автозапчасти:

Гильзо-поршневая группа, коленвалы, головки блока, прокладки головок блока, уплотнители, сцепления, детали коробок скоростей, детали ходовой части, всего более 400 наименований для автомобилей ГАЗ-24; ГАЗ-53; ЗиЛ-130; семейства МАЗ; семейства КАМАЗ и КрАЗ.

Форма оплаты — перечисление.

Наш адрес:
г.Ташкент — 700015, ул. Айбека, 47.
Тел.: 54-78-19, 54-93-07.
Тел/факс: 54-76-31.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши қошидаги «Тошкент гуллари» дастасининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Вилоят Исоҳоровна Оқиловага синглиси, балетмейстер **Зулайхо ОҚИЛОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.